

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖОНҚОБИЛОВ СОБИР УЛУҒМУРОДОВИЧ

**ИККИ КОМПОНЕНТЛИ НАПОРЛИ ОҚИМДА ЗАРЪ ТЎЛҚИНИ
ТЕЗЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on technical sciences**

Жонқобиллов Собир Улугмуродович

Икки компонентли напорли оқимда зарб тўлқини тезлигини ҳисоблаш
усулини такомиллаштириш..... 3

Жонқобиллов Собир Улугмуродович

Совершенствование метода расчета скорости ударной волны в
двухкомпонентном напорном потоке 21

Jonkobilov Sobir Ulugmurodovich

Improvement of the method for calculating the shock wave velocity in a two-
component pressure flow..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖОНҚОБИЛОВ СОБИР УЛУҒМУРОДОВИЧ

**ИККИ КОМПОНЕНТЛИ НАПОРЛИ ОҚИМДА ЗАРБ ТЎЛҚИНИ
ТЕЗЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2158** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арифжанов Айбек Мухамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шакиров Бахтияр Махмудович
техника фанлари доктори, профессор

Хўжаев Исмаилла Қўшаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «26» август 2022 й. соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниязий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (223 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниязий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-19-45. e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» август куни тарқатилди.
(2022 йил «4» август даги № 223 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Ганнаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Д.Р.Базаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси Уринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув узатиш техника ва технологияларидан оқилона фойдаланиш, насос станциялари ва узун напорли қувурлардан ишончли фойдаланишни таъминловчи ишланмаларни яратиш, напорли қувурларнинг гидравлик самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...напорли қувурлардаги гидравлик зарба жараёнининг математик моделини такомиллаштиришда оқим билан қувурнинг ўзаро таъсирини асослаш зарурати белгиланган»¹. Бу борада, жумладан фойдаланаётган насос станцияларининг самарали ишлаши, хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлашда насос станцияларининг напорли қувурларида гидравлик зарба жараёнлари тадқиқотида ресурс ва энергия тежашга қаратилган ишланмаларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда насос станциялари напорли қувурларининг самарали ишлашини таъминлашда оқимнинг беқарор ҳаракатига бағишланган тадқиқотлар зарба тўлқини тезлиги ва гидравлик қаршиликлар ҳисобига энергия йўқолишининг оптимал қийматларини асослаб аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, насос станцияларининг напорли қувурларида гидравлик зарба параметрларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш ва ишончли фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, напорли қувурлар тизимини гидравлик зарбага ҳисоблашда сув таркибидаги ҳаво миқдорини ва унинг сиқилиш - кенгайиш жараёнларини инобатга олиб зарба тўлқини тезлигини аниқлаш ҳамда зарба жараёнида напор йўқолишини аниқлашнинг математик моделини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда насос станцияларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, самарадорлигини оширишга қаратилган янги технологияларни яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш»² бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, суғориш насос станцияларининг ишончли ишлаши, гидромеханик қурилмаларнинг конструкцияларини такомиллаштириш, улардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ <https://doi.org/10.1016/j.jfluidstructs.2017.10.005>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида», 2021 йил 29 июлдаги ПФ-5201-сон «Ўзбекистон Республикасининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида суғориладиган ерларни стабил сув билан таъминлайдиган 29 та насос станцияларни модернизация қилиш тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Бу тадқиқот республикада фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналиши V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”га мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Напорли қувурларда гидравлик зарбанинг назарий асослари ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Жуковский Н.Е., Суринов А.А., Кутателадзе С.С., Мошин Л.Ф., Лямаев Б.Ф., Попов Д.Н., Смирнов Д.Н., Джваршейшвили А.Г., Дикаревский В.С., Мелконян Г.И., Алышев В.М., Усаковский В.М., Андрияшев М.М., A. Adamkowski, M. Lewandowski, M.S. Ghidaoui, L.L. Guo ва бошқалар.

Икки компонентли (сув+ҳаво) напорли оқимда икки ва уч фазали беқарор оқимларда зарб тўлқини тезлигини ҳисоблашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан: Рахматуллин Х.А., Латипов Қ.Ш., Умаров А.И., Хамидов А., Хўжаев И.Қ., Гловацкий О.Я., Арифжанов А.М., Худайкулов С.И., Мухаммадиев М., Мирхамидова Х.Б. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида напорли қувурлар тизимида гидравлик зарбанинг салбий оқибатлари олдини олишга оид масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Бугунги кунда насос станциялари қувурларида оқимнинг беқарор ҳаракати билан боғлиқ жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб борилишига қарамадан, насос станцияси напорли қувурларида икки компонентли оқимларда зарб тўлқини тезлиги ва унга таъсир этувчи омилларни ҳамда гидравлик зарба жараёнида гидравлик ишқаланиш ҳисобига напор йўқолишини инобатга олиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 1.25-сонли “Ирригация тизимлари, гидротехника иншоотлари ва сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик асосларини

ишлаб чиқиш” (2016-2020) мавзусидаги илмий лойиҳаси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган № ГваГИ/40-20-сонли “Насос станциялари босим қувурларини гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш” (2021) мавзусидаги ҳўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади насос станциялари напорли қувурларида икки компонентли оқимда ҳаво миқдори ўзгаришини ҳамда гидравлик қаршиликларни инобатга олиб зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

насос станцияси напорли қувурларида икки компонентли оқимда зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш назарияси ва усулларининг таҳлили;

суғориш насос станцияси напорли қувурларида зарба таъсирида юзага келадиган жараёнларни баҳолашда политропа кўрсаткичини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

суғориш насос станцияси напорли қувурларида гидравлик зарба жараёнларининг реал объектларда ва лаборатория шароитида тадқиқоти;

гидравлик зарба жараёнида икки компонентли оқимнинг параметрларини ва зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятидаги Бустон, Варганза-2, Қўнғиртоғ насос станциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети напорли қувурдаги икки компонентли оқимда гидравлик зарба жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида аналитик, сонли усуллар, тизимли таҳлил, реал объектларда ва лабораторияда олинган маълумотларни математик статистика усуллари билан қайта ишлаш, шунингдек, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

насос станцияси напорли қувурларида икки компонентли оқимда гидравлик зарба тўлқини тезлигини оқимда ҳаво миқдорини ўзгариши асосида такомиллаштирилган;

гидравлик зарбада босимнинг кескин ошиши политропик жараёнлиги асосида политропа кўрсаткичини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

насос станцияси напорли қувурларида гидравлик зарба параметрларига қувурнинг қаршилигини баҳолаш асосида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

тўғри гидравлик зарба жараёнида юзага келадиган максимал напор ва зарба тўлқини тезлигига оқимнинг барқарор ҳаракатдаги параметрлари таъсирини ифодаловчи математик боғланиш ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки компонентли оқимда насос станцияларининг напорли узун қувурларида зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш усули гидравлик зарба

пайтида оқимнинг гидродинамик параметрларини инобатга олиб такомиллаштирилган;

икки компонентли оқимдаги зарба тўлқини тезлигининг оқимнинг бошланғич параметрларига боғлиқлиги аниқланган;

икки компонентли оқимдаги гидравлик зарба учун политропа коэффициентининг адекват қиймати ($n = 1,2$) асосланган;

гидравлик зарба жараёнида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш усули тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган механика қонунлари ва математик усулларга асосланганлиги, олинган натижаларни ўтказилган дала тадқиқотлари натижалари билан солиштирилганлиги, маълумотларни таҳлил қилишда математик статистика услубларидан фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки компонентли оқимда зарба тўлқини тарқалиши тезлигини ҳисоблашнинг математик моделини такомиллаштирилганлиги, насос станцияларининг напорли қувурларида гидравлик зарба жараёнида ҳаво миқдори ўзгаришининг политропа коэффициентининг қийматига ҳамда тўлқин тарқалиш тезлигига таъсирини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти икки компонентли оқимда насос станцияларининг напорли узун қувурларида зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш усули гидравлик зарба пайтида оқимнинг гидродинамик параметрларини инобатга олиб такомиллаштирилганлиги, икки компонентли оқимдаги зарба тўлқини тезлиги оқимнинг бошланғич параметрларига боғлиқлиги аниқланганлиги, икки компонентли оқимдаги гидравлик зарба учун политропа коэффициентининг аниқ қиймати ($n = 1,2$) асосланганлиги ҳамда гидравлик зарба жараёнида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш усули тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки компонентли напорли оқимда зарб тўлқини тезлигини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

насос станциясининг напорли қувурларида электр таъминоти тўсатдан узилганда содир бўладиган гидравлик зарбанинг асосий параметри зарба тўлқини тарқалиш тезлигини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти насос станциялари ва энергетика бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги ZD33250384-сон маълумотномаси). Натижада насос станциясининг напорли қувурида гидравлик зарба оқибатини камайтириш ҳисобига насос станциясидан хавфсиз фойдаланиш имконияти яратилган;

насос станциясида гидравлик зарба жараёнида тўлқин тарқалиш тезлиги ва босимни ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти насос станциялари ва энергетика бошқармасига жорий

этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги ZD33250384-сон маълумотномаси). Натижада гидравлик зарба жараёнида насос станцияси напорли қувурларини ҳимоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

насос станциясининг напорли қувурларида гидравлик зарба параметрларини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти насос станциялари ва энергетика бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги ZD33250384-сон маълумотномаси). Натижада кутилган иқтисодий самарадорлик 37 000 000 (ўттиз етти миллион) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, Scopus базасида индексацияланган конференцияларда 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шу билан бир қаторда 4 та ЭҲМ дастурлари учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг зарурлиги ва мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари баён этилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Напорли қувурларда гидравлик зарба жараёни тадқиқотлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида напорли қувурларда гидравлик зарбанинг назарий асослари ва гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари бўйича амалга оширилган изланишларнинг таҳлили келтирилган.

Напорли қувурларда гидравлик зарбанинг назарий асослари ва математик моделини ишлаб чиқиш масалалари Н.Е.Жуковский, А.А.Сурин, Х.А.Рахматулин, С.С.Кутателадзе, Л.Ф.Мошнин, Г.В.Аронович,

Н.А.Картвелишвили, Д.Н.Смирнов, Л.Бержерон, Г.К.Бетчеллор, А.Г.Джваршейшвили, В.С.Дикаревский, К.Ш.Латипов, А.Хамидов, А.Adamkowski, M.Lewandowski, G.Evangelisti ва бошқаларнинг ишларида баён этилган бўлиб, бу тадқиқотларнинг асосий қисми бир жинсли идеал суюқликлар учун амалга оширилган ва кўп компонентли оқимларнинг тадқиқотида улардан фойдаланишда маълум чекланишлар мавжуд.

Гидравлик зарба параметрларини ҳисоблаш усуллари қатор олимларнинг В.М.Алышев, Г.И.Мелконян, О.Я.Гловацкий, И.Қ.Хўжаев, А.М.Арифжанов, С.И.Худайкулов, М.М.Мухаммадиев, М.М.Андрियाшев, Х.Б.Мирхамидова ва бошқалар ишларида келтирилган бўлиб, бу ишланмаларда гидравлик зарба жараёнининг алоҳида масалалари тадқиқоти берилган ва олинган натижалар гидравлик зарба жараёнининг хусусий ҳолларини ифодалайди. Гидравлик зарба жараёнида оқимнинг параметрларини тўлиқ ифода этишда суюқлик ва қувур деворларининг эластиклиги билан бир қаторда, сувдаги ҳаво микдорининг таъсирини ҳисобга олиш лозимлиги қайд этилган. Напорли оқимда (сув+ҳаво) иккита компонентнинг мавжудлиги ҳар доим уларнинг ўзаро таъсирига олиб келади ва бу ўзаро таъсирнинг микдорий қийматларни аниқлаш уларнинг мутлақ ва нисбий тезлиги, физик хусусиятлари, қувурнинг геометрик ўлчамлари ва бошқаларга боғлиқлигини баҳолаш баён этилган.

Назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, оқимдаги ҳавонинг мавжудлиги зарба тўлқинларининг тарқалиш қонуниятларига сезиларли даражада таъсир қилади, улар бир жинсли суюқликларда пайдо бўладиганларидан фарқ қилади. Хусусан, юқорида айтиб ўтилганидек, зарба тўлқини тезлигининг пасайиши ва зарба тўлқинининг таъсирининг ўзгаришига сабаб бўлади. Зарба тўлқини тезлигининг аниқ қиймати политропа коэффициенти n нинг сон қийматига боғлиқ бўлиб, у икки компонентли напорли оқимларда ҳавонинг сиқилиш-кенгайиш қонунини ифодалайди.

Политропа коэффициентининг микдорий ва сифат хусусиятларини, зарба тўлқинининг тезлигини аниқлаш, икки компонентли напорли оқимда қувур узунлиги бўйлаб гидравлик зарба пайтида қаршилиқларни инобатга олиб напорнинг йўқолишини аниқлаш масалалари тадқиқоти заруратини тақозо қилиши баён этилган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Икки компонентли напорли оқимда зарба тўлқини тезлигининг ҳисоби”** деб номланган иккинчи бобида икки компонентли оқимда гидравлик зарба тарқалиши жараёнида оқим параметрларининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва зарба тўлқини тезлигини ҳисоблашнинг назарий асослари баён этилган.

Икки компонентли оқимда тўғри гидравлик зарба жараёнида зарба тўлқини тезлигини аниқлашда А.Г.Джваршейшвили ва Г.И.Кирмелашвилиларнинг математик моделини ривожлантириш асосида қуйидаги ифода келтирилган:

$$c = \frac{\sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}}{\sqrt{(1-\varepsilon) \left[1 + (1-\mu^2) \frac{D}{e} \frac{E_c}{E_\kappa} \right] + \varepsilon \frac{\rho_{ap.}}{\rho_c} A \frac{E_c}{\Delta p}}}, \quad (1)$$

бу ерда: E_κ – қувурнинг эластик модули; $\rho_{ap.} = \rho_c \varepsilon_c + \rho_z \varepsilon$ – суюқ аралашманинг зичлиги; ε_c ва ε – сув ва ҳавонинг концентрацияси; ρ_z – ҳаво зичлиги; ε – ҳавонинг ҳажмий концентрацияси;

$$A = 1 - \left(\frac{p_0}{p_0 + \Delta p} \right)^{1/n} = 1 - \left(\frac{1}{1+a} \right)^{1/n}, \quad (2)$$

бу ерда: n – политропа кўрсаткичи; $a = \Delta p/p_0$.

Келтирилган (1) ифоданинг ўзига хос томони шундан иборатки, бу ерда икки компонентли оқимнинг параметрларини баҳолашда катор омиллар инобатга олинган, жумладан оқимда ҳаво миқдори, қувурнинг эластиклиги ҳамда оқимнинг гидравлик зарбада сиқилиши билан боғлиқ политропа коэффициентлари. Аммо келтирилган ифодадан гидравлик зарба жараёнида тўлқин тезлигини аниқлашда маълум қийинчиликлар мавжуд. Келтирилган ифодани тажриба натижалари билан солиштиришга қулай кўринишга келтириш лозим бўлади.

Олиб борилган назарий тадқиқотлар асосида (1) ифода кубик тенглама кўринишига келтирилади:

$$z^3 + Rz + q = 0, \quad (3)$$

бу ерда:

$$z = \frac{c}{\sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}} - \frac{b_1}{3}; \quad R = -\frac{b_1^2}{3} + b_2; \quad q = \frac{2}{27} b_1^3 - \frac{b_1 b_2}{3} + b_3,$$

$$b_1 = \frac{Bnp_0 + \varepsilon E_c m_1}{Bn\rho_{ap.} \mathcal{G}_0 \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}} + \varepsilon E_c \frac{m_2 \rho_{ap.} \mathcal{G}_0}{p_0} \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}}; \quad b_2 = \frac{n\rho_{ap.} \mathcal{G}_0 \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}}{Bn\rho_{ap.} \mathcal{G}_0 \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}} + \varepsilon E_c \frac{m_2 \rho_{ap.} \mathcal{G}_0}{p_0} \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}};$$

$$b_3 = \frac{np_0}{Bn\rho_{ap.} \mathcal{G}_0 \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}} + \varepsilon E_c \frac{m_2 \rho_{ap.} \mathcal{G}_0}{p_0} \sqrt{\frac{E_c}{\rho_c}}},$$

$$B = 1 - \varepsilon_\kappa + m \frac{D}{e} \frac{E_c}{E_\kappa} + \varepsilon_\kappa \frac{E_c}{E_{\kappa.ж.}} + \varepsilon_\kappa m \frac{D}{e} \frac{E_c}{E_\kappa}. \quad (4)$$

Тенглама (3) Кардано усулидан фойдаланиб зарба тўлқини тезлиги учун қуйидаги ифода олинган:

$$c = c_0 \left(z - \frac{b_1}{3} \right), \quad (5)$$

бу ерда: c_0 – суюқликда товушнинг тарқалиш тезлиги; тенгламада келтирилган параметрларнинг z , b_1 қиймати тажрибалар асосида аниқланади.

Тўғри гидравлик зарбада насос қурилмалари тесқари клапаннинг бир зумда ёпилиши натижасида содир бўладиган зарба жараёнида босим миқдори $\Delta p = \rho_{ap} c \vartheta_0$ боғланиш асосида аниқланади, бу ерда: ϑ_0 – барқарор ҳаракатдаги оқим тезлиги.

Икки компонентли напорли оқимнинг ҳаракатида ишқаланиш кучининг гидравлик зарба катталигига ва табиатига таъсири алоҳида эътиборга эга. Ишқаланиш кучини ҳисобга олган ҳолда гидравлик зарбанинг дифференциал тенгламаларини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} \frac{dh}{dx} &= \frac{1}{g} \frac{d\vartheta}{dt} + \frac{\lambda}{D} \frac{\vartheta_0^2}{2g}, \\ \frac{d\vartheta}{dx} &= \frac{g}{c^2} \frac{dh}{dt}. \end{aligned} \right\} \quad (6)$$

Тенгламалар системаси маълум математик шакл алмаштиришлардан сўнг қуйидаги битта тенглама шаклга келтирилди:

$$\frac{\partial^2 \vartheta}{\partial x^2} = b \frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2} + s \frac{\partial \vartheta}{\partial t}, \quad (7)$$

бу ерда:

$$b = \frac{1}{c^2}; \quad s = \frac{\vartheta_0 \lambda}{2Dc^2}. \quad (8)$$


Тенгламанинг ечимидан гидравлик зарба жараёнида насос станцияларининг напорли қувурларида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги ифода келтирилган:

$$\lambda = \frac{8r_0}{\vartheta_0} \kappa, \quad (9)$$

бу ерда: r_0 – қувур радиуси; κ – гидравлик зарба жараёнида тўлқин фазаларини ўзгаришини инобатга олувчи тажрибалар асосида аниқланадиган коэффициент.


Диссертациянинг “Гидравлик зарба жараёнининг лаборатория ва реал объектдаги тадқиқоти” деб номланган учинчи бобида гидравлик зарба жараёнини лаборатория шароитида ва реал объектдаги тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Лаборатория тадқиқотлари махсус қурилмада (1-расм) амалга оширилди, гидравликада қабул қилинган усулларда бажарилди. Қурилма $D_y = 70$ мм диаметри узунлиги $Z = 250,2$ м горизонтал қувурдан иборат. Сув 2К-20/30 маркали насос ёрдамида резервуар (ўлчамлари 2,5, 6 ва 2,5 м) дан напорли қувурга етказиб берилади. Тесқари клапандан гидравлик зарбани ҳосил қилишда фойдаланилиб, ўлчовлар натижалари компьютерда акс эттириш учун махсус мослама билан жиҳозланган. Суюқлик сарфи ҳажмий усулда, ҳаво оқими сарфи эса ротаметрлар ёрдамида аниқланган. Компрессор сиқилган ҳавони напорли қувурга етказиб беради (2-расм).



1 – сув манбаи (резервуар); 2 – сўриш қувури; 3 – насос; 4,8 – қулфаклар; 5 – тесқари клапан; 6 – ҳаво бериш тизими; 7 – напорли қувур; 9 – босимли ҳовуз, Д-1, Д-2 – сенсорли босим ўлчагичлар; M_1 , M_2 – манометрлар

1-расм. Тажриба қурилмасининг схемаси




1 – компрессор; 2 – ҳаво қувури; 3,4 – қулфаклар; 5 – манометр; 6 – ҳаво ўлчагич; 7 – тесқари клапан; 8 – напорли қувур.

2-расм. Ҳаво бериш тизими


Лаборатория қурилмасида зарба тўлқинининг тарқалиш тезлиги асосида напорли қувурда беқарор ҳаракат вақтида гидродинамик босимнинг ўзгаришини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Тажрибалар зарба тўлқини тезлигини суюқликнинг зичлиги ва эластиклигига, қувурнинг қаттиқлигига ва оқимнинг ҳаво таркибига боғлиқ равишда ўтказилди. Лаборатория тадқиқотларида дастлабки тезлик 0,2 м/с қадам билан 0,8 м/с дан 2,2 м/с гача оралиқда ўзгарди. Шундай қилиб, $\rho_0 = \text{idem}$ да 10 та тажриба ўтказилди. Зарбадан олдин гидродинамик босим p_0 мос равишда 200 кПа дан 400 кПа гача ўзгарди. Тажрибалар бир ва икки компонентли оқимлар учун ўтказилди. Икки компонентли оқимда ҳаво миқдори қуйидагича $\varphi = 0,5, 1,0, 1,5, 2,0, 2,5$ % ташкил этилди. Умумий ҳолда 3-4 такрорлашлар билан тажрибалар ўтказилди (4,6-расмлар).


Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти Қўнғиртоғ насос станциясида ўтказилди.




3-расм. Гидравлик зарба жараёнида гидродинамик напорнинг ўзгариш диаграммаси (9-тажриба): $p_0=250$ кПа, $Q_0=1,2$ м/с, $\Delta L=75$ м, $c_{таж}=962$ м/с



4-расм. Гидравлик зарба жараёнида гидродинамик напорнинг ўзгариш диаграммаси (19-тажриба): $p_0=270$ кПа, $Q_0=1,8$ м/с, $\varphi=0,5\%$, $\Delta L=75$ м, $c_{таж}=431,3$ м/с



5-расм. Гидравлик зарба жараёнида гидродинамик напорнинг ўзгариш диаграммаси (28-тажриба): $p_0=300$ кПа, $Q_0=1,2$ м/с, $\Delta L=75$ м, $c_{таж}=1042$ м/с



6-расм. Гидравлик зарба жараёнида гидродинамик напорнинг ўзгариш диаграммаси (35-тажриба): $p_0=255$ кПа, $q_0=2$ м/с, $\varphi=0,5\%$, $\Delta L=75$ м, $c_{\text{таж}}=454,1$ м/с


Турли хил ҳаво миқдори ($\varphi = 0,5, 1,0, 1,5, 2,0, 2,5$ %) берилганда ва $q_0=idem$, $p_c=idem$ бўлганда газ миқдорининг ошиши билан зарба тўлқини тезлигининг пасайишини кузатилди (4,6-расмлар).

Таҳлиллардан маълум бўлдики, ҳаво миқдори φ нинг ортиши билан зарба тўлқини тезлиги камайган. Напорли оқимга ҳаво киритиш аралашманинг эластиклигини ҳам, унинг зичлигини ҳам ўзгартиради. Аммо кичик ҳаво миқдорида напорли оқим зичлиги бир оз ўзгаргани ҳолида оқимнинг эластиклиги сезиларли даражада ўзгариши кузатилган. Ҳаво концентрациясининг янада ортиши билан оқимнинг эластиклиги ва зичлигининг ўзгаришлари тобора мутаносиб бўлиб боради ва бунинг натижасида дастлаб интенсив равишда пасайиб кетган тўлқин тарқалиш тезлиги кейинчалик деярли ўзгармаганлиги тажрибалар асосида баён этилган.

Диссертациянинг “**Икки компонентли напорли оқимда гидравлик зарбанинг параметрларини аниқлаш**” деб номланган тўртинчи бобида назарий ва лаборатория тадқиқотлари натижалари таҳлили асосида зарб тўлқини тезлигини қийматига таъсир этувчи омилларга боғлиқлигини белгиловчи ифодалар келтирилган.


Икки компонентли (сув+ҳаво) напорли оқимида гидравлик зарбани ҳисоблашнинг аниқлиги политропа кўрсаткичи n нинг аниқлигига боғлиқ. Муҳандислик амалиётида икки компонентли напорли оқимда ҳавонинг сиқилиш-кенгайиш қонунини ҳисобга оладиган политропа кўрсаткичининг қиймати энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб аниқланган. Тадқиқот натижалари бўйича политропа кўрсаткичининг ўртача қиймати $n=1,20$ тенглиги асосланган.

Лаборатория тадқиқотларида олинган маълумотларни қайта ишлаш натижасида зарба тўлқини тезлигининг бошланғич оқим тезлигига ва бошланғич босимга боғлиқлигини ифодаладиган натижалар олинган (7,8-расмлар).



1 – $\varphi = 0,0 \%$; 2 – $\varphi = 0,5 \%$; 3 – $\varphi = 1,0 \%$; 4 – $\varphi = 1,5 \%$; 5 – $\varphi = 2,0 \%$

7-расм. Зарба тўлқини тезлигининг бошланғич босимга боғлиқлиги графиги ($\vartheta_0 = 1,4$ м/с)




1 – $\varphi = 0,0 \%$; 2 – $\varphi = 0,5 \%$; 3 – $\varphi = 1,0 \%$; 4 – $\varphi = 1,5 \%$; 5 – $\varphi = 2,0 \%$


8-расм. Зарба тўлқини тезлигининг бошланғич тезликга боғлиқлиги графиги ($p_c = 300$ кПа)

Тажрибада олинган маълумотлар асосида зарба тўлқини тезлигини қиёсий солиштириш ҳаво миқдорининг турли қийматларида амалга оширилди (9,10-расмлар). Солиштиришлар натижасидан икки компонентли оқимда зарба тўлқинининг тезлиги катталиги қувур диаметри, қувур

қалинлиги ва қувурнинг эластиклик модули ўзгармас сақланганда барқарор ҳолат режимининг параметрлари: ҳавонинг миқдори (фоизда), босим ва бошланғич тезликка боғлиқ равишда аниқланган. Тўпланган маълумотларни математик статистика усуллари асосида таҳлили қилинган (корреляция коэффициентини 0,96). Қиёсий баҳолашлардан кўринадики, зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш учун тавсия этилган формула амалий масалаларни ечиш учун қониқарли натижаларни кўрсатмоқда.



9 – расм. Зарба тўлқини тезлигини қиёсий баҳолаш графиги ($\phi=0,5\%$)




10 – расм. Зарба тўлқини тезлигини қиёсий баҳолаш графиги ($\phi=1\%$)

Оқимнинг беқарор ҳаракатида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар таҳлили асосида гидравлик ишқаланиш коэффициентининг қувур характеристикасига боғлиқлиги аниқланган (11-расм):

$$\kappa = 0,02 \frac{1}{\psi^{1,7}} \frac{g_0}{r_0}, \quad (10)$$

бу ерда: ψ - қувур характеристикаси.



11-расм. Гидравлик зарбада напор йўқолишини аниқлашга доир график

Тажрибалар асосида олинган (8) ва (7) формулалардан фойдаланиб гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш учун боғланиш тавсия этилган. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, напорли беқарор режимда гидравлик ишқаланиш коэффициентининг қиймати барқарор режимдаги қийматидан анча юқори экан.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар” деб номланган бешинчи бобида иш натижаларини амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ва тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Насос станцияси напорли қувури узунлиги бўйлаб гидравлик қаршилиқни ҳисобга олган ҳолда зарба босимининг қийматини, босимнинг биринчи даврининг давомийлигини аниқлашни ҳисоблаш усули бўйича амалга оширилган ҳисоблар келтирилган.

Суғориш насос станцияларида иқтисодий самарадорлик узун напорли қувурларнинг бошланишида қўшимча киритилган ҳавони (3,0% гача) инобатга олиб, зарба тўлқини тезлигининг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш билан асосланди.

Насос станциясининг напорли қувурларида электр таъминоти тўсатдан узилганда содир бўладиган гидравлик зарба тарқалиш ҳолида оқимнинг параметрларини ҳисоблаш усуллари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти насос станциялари ва энергетика бошқармасига жорий этишга тавсия этилган. Натижада насос станциясининг напорли қувурларида босим ўзгаришини аниқ баҳолаш натижасида қувур қалинлигини танлаш ва энергия йўқотилишини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконияти яратилган.

ХУЛОСА

“Икки компонентли напорли оқимда зарб тўлқини тезлигини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Зарба тўлқини тезлигини баҳолашга доир тадқиқотларнинг аналитик таҳлилидан ҳамда насос станцияларининг напорли қувурларидаги зарба жараёнларининг таҳлилидан маълум бўлдики икки компонентли оқимларда зарба тўлқинининг тезлигини аниқлашда гидравлик зарба жараёнида ҳаво оқимининг миқдор кўрсаткичларини инобатга олиш лозимлиги асосланди.

2. Зарба тўлқинининг тезлиги икки компонентли (сув ва ҳаво) напорли оқимда барқарор ҳаракат параметрлари абсолют гидродинамик напор H_0 , оқим тезлиги U_0 ва оқимдаги ҳаво миқдори φ билан бир қаторда гидравлик зарба жараёнида кескин намоён бўладиган политропа кўрсаткичини ўзгарувчанлиги билан боғлиқлиги асосланди.

3. Лаборатория шароитида махсус қурилмада ҳамда насос станцияси напорли қувурларда ўтказилган тадқиқотларда олинган маълумотларнинг математик статистика усулларида фойдаланиб таҳлили асосида икки компонентли оқимларда зарба тўлқининг тезлигини оқимнинг барқарор ҳаракатдаги параметрлари таъсирини ифодаловчи боғланишлар (корреляция коэффиценти $R = 0,94$ тенг) олинди.

4. Лаборатория шароитида ва реал объектда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида зарба тўлқини тезлигини напорли оқим таркибидаги ҳавонинг сиқилиш ва кенгайиш қонуниятини ҳисобга оладиган политропа кўрсаткичи n қийматига боғлиқлиги асосланди. Бу эса икки компонентли оқимларда гидравлик зарба моҳиятини аниқ ифодалаш имконини беради.

5. Тадқиқотларда тўпланган маълумотлар таҳлили ҳамда бошқа муаллифларнинг (В.С.Дикаревский, А.Г.Джваршейшвили, Г.И.Кирмелашвили, В.М.Алышев) бу йуналишда олиб борилган ишларининг таҳлили ва қиёсий баҳолаш асосида икки компонентли оқимларда политропа кўрсаткичи қиймати $n=1,2$ га тенглиги аниқланди.

6. Икки компонентли напорли беқарор оқимда зарба тўлқини тезлигини ҳисоблаш усули гидравлик зарба жараёнида юзага келадиган босимнинг кескин ўзгаришлари, бошланғич напор ва оқим тезлигини инобатга олиб такомиллаштирилди. Таклиф этилган усулда беқарор напорли икки компонентли оқимда сув таркибидаги ҳаво миқдорининг ортиши зарба тўлқини тезлигини камайишига олиб келишини ифодалаш имконини беради.

7. Назарий изланишлар, лаборатория ва реал объектдаги тадқиқотлар асосида суюқликларнинг напорли беқарор оқимида гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш усули таклиф этилди.

8. Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти насос станцияларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этишга топширилди. Натижада насос станциялари напор қувурларида содир бўладиган гидравлик зарба параметрларини аниқ баҳолаш асосида иқтисодий самарага эришилади. Бу эса насос станцияларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарадор напор қувурларини лойиҳалаш имкониятини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

ЖОНКОБИЛОВ СОБИР УЛУГМУРОДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА РАСЧЕТА СКОРОСТИ
УДАРНОЙ ВОЛНЫ В ДВУХКОМПОНЕНТНОМ НАПОРНОМ
ПОТОКЕ**

05.09.07 – Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1. PhD/T2158

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель: Арифжанов Айбек Мухамеджанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Шакиров Бахтияр Махмудович
доктор технических наук, профессор
Хужаев Исматилла Кушаевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «26» августа 2022 г. 9⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39. Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (зарегистрировано № 223). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39.Тел.(+99871)-237-19-45. e-mail: admin@tiiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «4» августа 2022 года.

(протокол рассылки № 223 «4» августа 2022 г.).



Т.З. Султанов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ф.А. Гапбаров
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

Д.Р. Базаров
Заместитель председателя научного
семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется вопросам рационального использования техники и технологий водоподачи, создания разработок, обеспечивающих надежную эксплуатацию насосных станций и длинных напорных трубопроводов, повышения гидравлической эффективности напорных трубопроводов. В настоящее время в развитых странах «...намечена необходимость обоснования взаимодействия потока и трубы при совершенствовании математической модели процесса гидравлического удара в напорных трубопроводах»¹. В этой связи в том числе при обеспечении эффективной работы, безопасности и надежности действующих насосных станций особое внимание уделяется освещению ресурсо- и энергосберегающих разработок при исследовании процессов гидравлического удара в напорных трубопроводах насосных станций.

В мире проводятся научные исследования, посвященные определению обоснования оптимальных значений потерь энергии за счет скорости ударной волны и гидравлических сопротивлений с целью обеспечения эффективной работы напорных трубопроводов насосных станций при неустановившемся движении потока. В этом направлении, в том числе, приоритетными являются исследования, направленные на совершенствование метода расчета параметров гидравлического удара в напорных трубопроводах насосных станций и обеспечение их надежного использования. В месте с этим одной из актуальных задач при расчете гидравлического удара системы напорных трубопроводов является определение скорости ударной волны с учетом количества воздуха в воде и процессов его сжатия-расширения, а также совершенствование математической модели определения потерь напора в процессе удара.

В Республике проводятся обширные мероприятия по созданию новых технологий, направленных на эффективное и безопасное использование насосных станций и повышение эффективности их. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы намечены задачи, в том числе по «Реализации отдельной государственной программы по коренной реформе системы управления водными ресурсами и экономии воды»². В реализации этих задач, в том числе надежная работа насосных станций, совершенствование конструкций гидромеханических устройств, разработка механизмов рационального их использования, считается важным при проведении научно-исследовательских работ в этом направлении.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит решению задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026

¹ <https://doi.org/10.1016/j.jfluidstructs.2017.10.005>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

годы», от 29 июля 2021 года № УП-5201 «О модернизации 29 насосных станций, обеспечивающих стабильно водой орошаемые земли Сурхандарьинского и Кашкадарьинского вилоятов Республики Узбекистан», от 10 июля 2020 года № УП-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и в постановлении от 25 сентября 2017 года № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и техники Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Значительный вклад в разработку теоретических основ и методов расчета гидравлического удара в напорных трубопроводах внесли ряд известных зарубежных ученых, в том числе Жуковский Н.Е., Сурин А.А., Кутателадзе С.С., Мошнин Л.Ф., Лямаев Б.Ф., Попов Д.Н., Смирнов Д.Н., Джваршейшвили А.Г., Дикаревский В.С., Мелконян Г.И., Алышев В.М., Усаковский В.М., Андрияшев М.М., A. Adamkowski, M. Lewandowski, M.S. Ghidaoui, L.L. Guo и другие.

Разработке и совершенствованию эффективных методов расчета скорости ударной волны в двух и трехфазном неустановившемся потоке в двухкомпонентном напорном потоке (вода+воздух) посвящены научные работы известных ученых Узбекистана. Их них: Рахматуллин Х.А., Латипов Қ.Ш., Умаров А.И., Хамидов А., Хўжаев И.Қ., Гловацкий О.Я., Арифжанов А.М., Худайкулов С.И., Мухаммадиев М., Мирхамидова Х.Б. В результате научных исследований достигнуты значительные результаты в решении задач, связанных с предотвращением негативных последствий гидравлического удара в системе напорных трубопроводов.

В настоящее время несмотря на проведенные исследования процессов, связанных с неустойчивым движением потока в трубах насосных станций, такие вопросы, как влияние количества воздуха, непосредственно связанного с увеличением скорости ударной волны и повышения ее точности в длинных напорных трубах насосной станции, а также учет потерь напора за счет гидравлического трения в процессе гидравлического удара изучены в недостаточной степени.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по теме: № 1.25

«Разработка гидравлических и гидрологических основ использования ирригационных систем, гидротехнических сооружений и водохранилищ» (2016-2020), хозяйственного договора по теме: «Совершенствование методов гидравлического расчета напорных трубопроводов насосных станций», выполненном в Каршинском инженерно-экономическом институте № Г и ГИ/40-20 (2021 г.).

